

ЎЗБЕКISTON



OVOZI

IJTIMOIIY-
SIYOSIIY
GAZETA

■ 2003-YIL ■ 19-AVGUST ■ SESHANBA ■ 96 (27.116) ■ uzbevozi@sarkor.uz ■ 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.



ЎЗБЕКISTON АВТОМОБИЛЛАРИ

МАМЛАКАТИМИЗ АВТОМОБИЛСОЗЛИГИНИНГ ТЎНФИЧ ФАРЗАНДИ — АСАКАДАГИ «ЎЗДЭУАВТО» ХХ АСР СЎНГИДА ИСТИҚЛОЛ ШАРОФАТИ БИЛАН ТУФИЛГАН ЭДИ

Ислом КАРИМОВ:

«Хар қайси давлат, жамият ўз келажагини қураётганда, ўз олдиға қўйган юксак марраларға кўтариллишда ҳал қилувчи, муҳим босқичлардан, иқтисодийтада туб бурилиш ҳолатидан поғоналардан ўтиши табиийдир.

...Ишға тушган завод, унинг қурилиш суръатлари, техник даражаси замонавий жаҳон талабларига жавоб бериши — бунинг ўзи яна бир бор Ўзбекистон танлаб олган сиёсий ва иқтисодий ислохотлар йўли — модели тўғрилигининг яққол исботи ва тасдиғидир.»

(Асака, «ЎзДЭУавто» қўшма корхонаси, 1996 йил 19 июль)

ТАМАЛ ТОШИ

1992 йил, июнь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жанубий Корея Республикасига ташриф бурюди. Мамлакатнинг Чангвон шаҳридаги ДЭУ автомобиль заводида бўлди. Гувиллаб ишлаб турган замонавий технология ва конвейердан пешма-пеш чиқиб келаётган бири-бирдан ихчам, охудек гузал, учқур машиналар ҳамда ишлаб чиқаришнинг юк-


сак малакали ёш мутахассислари Юртбошимизда катта таасурот қолдирди.

Орадан кўп ўтмай, июлда мамлакатимиз ҳукумати ва ДЭУ корпорацияси ўртасида Ўзбекистонда ҳам худди шундай завод қуриш ҳамкорлиги битими (меморандум) имзоланди...

Ўзбекистонда автомобилсозлик саноатини яратиш йўлида танланган сиёсатнинг ilk тамал тоши шундай қўйилди.



2-6см



Анжуман

ПОП ТАРИХИГА БАҒИШЛАНДИ

Республика «Олтин мерос» халқаро хайрия жамғармаси, Ўзбекистон Фанлар академияси Археология институти, вилоят маънавият ва маърифат кенгаши туман ҳоқимлиги билан ҳамкорликда «Қадимги Поп воҳаси маданияти тарихи» мавзусида илмий кўргазмали анжуман ўтказди.

Поп ҳақида ilk ёзма маълумотлар VII-VIII аср манбааларида учраса-да, археологик ашёлар унинг икки минг йилликдан зиёд тарихи борлигини тасдиқлайди. Биргина туман ҳудудидаги Мунчоктепа археологик ёдгорлиги олимлар томонидан бир неча йиллардан буён тадқиқ қилиниб келинаётгани натижасида қатор нодир маълумотлар аниқланди.

Илмий-амалий анжуманда мавзуга доир қимматли фикрлар ўртаға ташланди. Тарих фанлари номзоди Боқижон Матбобоев, Археология институти директорининг ўринбосари Абдулхамид Анорбоев, наманганлик манбаашунос олим Аҳмад Убайдуллолар томонидан тилға олинган маълумотлар иштирокчиларни бефарқ қолдирмади.

Мунчоктепа ёдгорлигининг ҳали 5 фоизи ҳам ўрганилмаган. Бу тепаликни бир томондан Сирдарё тўқинлари юбиб бораётир. Устиға-устак, иккинчи томондан гишт заводи мутасаддилари бу нодир тупроқдан қурилиш ашёси тайёрлашни авж олдиришгаётгани олимларнинг ҳақли эътирозига сабаб бўлди.

Носиржон ДЕҲҚОНОВ

ҲАШАР УЮШҚОҚЛИК БИЛАН ЎТДИ

муруватға муҳтожлар ҳолидан хабар олиш каби зғу аъёнлар янги мазмун билан бойиб бормоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг бу борада «Обод маҳалла йили» дастурида белгиланган вазифаларни ҳаётға татбиқ этиш, Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 12 йиллигини нишонлашға пухта тайёргарлик қуриш, юртимизда санитария-эпидемиологик аҳволни янада яхшилаш, маҳаллалар, мавзелар ва аҳоли гавжум жой-

ларни ободонлаштириш ишларини ташкил этишға қаратилган фармойишида белгиланган вазифаларни амалға оширишнинг аҳамияти катта.

Мазкур фармойишға биноан мамлакатимизда август ойида «Маҳалла обод — Ватан обод» шиори остида ободонлаштириш ва тозалик ойлиги давом


кўпроқ юртдошимиз иштирок этган.

Шу кун 27 миллион квадрат метрдан зиёд майдон ободонлаштирилди. Минглаб туп гул қўчатлари ўтқазилди. Ариқ, зовур ва бошқа сув йўллари тозаланди. Дарахларға шакл берилади, оқланди. Болалар ўйин майдонлари, спорт мажмуалари, зиёратгоҳ ва қабристонлар тартибға келтирилди.

Шу кун ишлаб топилган барча маблаг «Маҳалла» хайрия жамғармаси ҳисоб рақамига ўтказилади. Бу хайрия ёрдами маҳаллалар фаолиятини ривожлантириш, унинг ёшлар камолотидаги ўрни ва ролини кучайтириш, халқимизнинг эҳтиёжманд қисмини қўллаб-қувватлаш, кексалар, оналар ва болалар саломатлигини муҳофазалаш, ихтимойий ҳимоялаш, маҳаллаларда оммавий спорт турларини ривожлантиришға йўналтирилади.

Баҳор ХИДИРОВА
ЎзА мухбири

ДОВОН ОШГАНЛАР ДОВОНДА УЧРАШДИ



Мамлакатимиз мустақиллигининг 12 йиллик байрами арафасида иждоқорлар — шоир ва ёзувчилар, санъаткорлар юртимиз бўйлаб сафарға чиқиб, халқимиз ҳаёти, ўй-фикрлари, жойларда амалға оширилаётган кенг миқёсдаги ислохотлар жараёни, бунёдкорлик ишлари билан яқиндан танишмоқда. Меҳнаткашлар билан учрашувлар, мулоқотлар ўтказяпти. Шу кунға қадар Қашқадарё, Сурхондарё, Хоразм вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида шундай учрашувлар бўлиб ўтди.

Бу гал иждоқорлар йўлсозлар ҳузурига, Қамчиқ дово-

га отланди.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, йўллари таъмирлашға, янги йўллар қуришға алоҳида эътибор қаратилди. Юртбошимизнинг бевосита раҳнамолиғида бу борада мислсиз ишлар амалға оширилди.

Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Абдулла Орипов бошчилигидаги адиблар дастлаб пойтахтимизда, кичик халқа йўлида амалға оширилаётган бунёдкорлик ишлари билан танишди.

Иждоқорлар Ангрэн йўллардан мунтазам фойдаланиш бошқармасида очилган «Немис

технологиялари марказида бўлди. Бу ерда мамлакатимизнинг барча ҳудудидан келган йўлсозлар малака оширади. Уларға германиялик етук мутахассислар геодезия, лойихалаш, замонавий технологияларни бошқариш юзасидан сабоқ бермоқда.

Иждоқорлар тушган автобус довоноға ўрлайди. Йўлнинг энг юксак чўққиси денгиз сатҳидан 2268 метр баландликдан ўтган. Кафтдек текис йўл, виқорли тоғлар, пойингиздаги мовий кўл, кўм-кўк арчалар тароватига қараб тўймайди киши.

2-6см

Байрам тараддуди

ОЛИС ҚИШЛОҚЛАРДАГИ СУХБАТЛАР, МУЛОҚОТЛАР

Энг улғу, энг азиз байрамимиз мустақиллигининг 12 йиллик тўйи арафасида, Сурхон воҳасининг энг чекка қишлоқларида, маҳаллаларида ҳам аҳойиб учрашувлар, дилкаш суҳбатлар бўлиб ўтмоқда. Асосий мақсад: ватандошларимиз ана шу муборак кунға қандай тайёргарлик қураётгани, қандай кайфият билан байрамни кутиб олаётганини қуриш, уларнинг бугунги орзу йўллари, ҳалол-поқ меҳнатлари эвазига эришаётган муваффақиятлари хусусида самимий суҳбатлар қуриш, дилдан фикрлашиш...

Юртбошимиз элимизнинг таниқли адиблари, шоирлари, зиёлиларига қарата: «Юртимизнинг энг чекка қишлоқларига боринглар, одамлар билан учрашинглар, дилдан суҳбатлашинглар дея кўп гапирадилар.

Илк учрашув Термиздан қарийб 300 километр, Саросиё тумани марказидан 67 километр узоқликда жойлашган тоғли Хуфар қишлоғида бўлиб ўтди.

...Таниқли адабиётшунос олим, Олий Мажлис депутати Иброҳим Ғафуров, Ўзбекистон Халқ шоири Усмон Азим, шоир Маҳмуд Тоир, «Ўзбекистон овози» газетаси Бош муҳаррири Сафар Остонов билан биргаликда Хуфар қишлоғи томон кетаяпмиз.

❖❖❖

Баланд пурвиқор тоғлар, адирликлар сари йўл олган «Нива» тик қиялар оша базўр илдамлайди. Тоғ ҳавосининг мусаффолиги, салқин шабадаси эсиб турган бўлса-да, қўшнинг ўтли ҳарорати кучли.

— Бу жойларда одамлар асосан чорва билан шугулланса керак-а? — ҳайдовчини гапға соламиз.

— Исми Абдусалом, — дейди у ўзини танитиб, тоғликларға хос ўткир нигоҳини йўлдан узмай. — Асли ана шу тоғда туғилганман. Ҳозир эса чўпонлик қиламан, 800 бош қўйим бор.

— Ҳаммаси шахсий, ўзингизнинг қўйларингизми? — ҳазил аралаш сўраймиз ундан.

— Йўғ-ей... кулади у, — Агар шунча молим бўлса, самолёт сотиб олардим... Аммо, ҳа, юзюк эллик қўй шахсий. Қолганлари хўжалиқники...

— Ҳозир биз борадиган қишлоқнинг номи нега «Хуфар», деб аталади?

Ҳайдовчи йигит бироз ўйлагандай бўлди-да, жавоб қилди:

— Хуфар... асли Хуб-бахор деб аталган, яъни очик, баҳово жой дегани. Ҳали кўрасизлар, чиндан гузал, жуда чиройли жой...

Ўзи чўпонлик қилса-да, анча-мунча саводли бу ҳамроҳим тўғри айтган экан.

Узоқдан Хуфар қишлоғи кўзға ташланди. Баланд тоғлар этағида, бир-биридан чиройли, тартибли қурилган тоғликлар уйлари... Бу жойларда асосан одамлар лалми ерларда дехқончилик қилинса-да, ҳамма ёқ кўм-кўк экинзорлар, боғлар билан бурканган эди.

— Мана бу узузмор шу ерлик фермерники, — дейди Абдусалом, пастдаги адирликда 3-4 гектарча ерда яшаб турган узузморға боқиб, — ҳар йили 5-6 миллион сўм даромад қилаяпти.

— Ҳалоли бўлсин!

— Аммо... узумини бир татиб кўрсангиз, шираси нақ тилингизни ёради, жуда ширин...

4-6см

МАКТАБЛАРГА ЮСАИД КОМПЬЮТЕРЛАРИ

Бухоро шаҳридаги 21-мактабда компьютер маркази иш бошлади. Бунда мактабға АҚШ Халқаро ривожланиш агентлиги (ЮСАИД)нинг Ўзбекистон мактаблари учун компьютерлар лойиҳаси қўл келди. АҚШ ҳукумати томонидан молиялаштирилган ва халқаро ташкилотлар ҳамда олимлар айирбошлаш кенгаши (АЙРЭКС) томонидан амалға оширилаётган мазкур лойиҳа доирасида мактаб 11 та компьютерли бўлди.

Худди шунингдек, Бухоро шаҳридаги 2-, 16-, Ромитандаги 41-, Бухоро туманидаги 2-, Когон туманига қарашли 1-, 2-мактабларнинг ҳар бирига ЮСАИД 10-11 тадан компьютер тақдим этди.

Доврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2003 йил 19 августдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хоржий валюталарнинг сўмға нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*

1 Австралия доллари	643,15	1 Польша злотийси	251,25
1 Англия фунт стерлинги	1553,83	1 СДР	1353,97
1 Дания кронси	147,30	1000 Туркия лираси	0,70
1 БАА дирхами	265,09	1 Швейцария франки	708,47
1 АҚШ доллари	973,58	1 ЕВРО	1093,82
1 Миер фунти	159,34	10 Жанубий Корея воени	8,28
1 Исландия кронси	12,23	10 Япония иенаси	81,59
1 Канада доллари	702,03	1 Россия рубли	32,08
1 Хитой юани	117,63	1 Украина гривнаси	182,60
1 Малайзия рингити	256,24		

* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олматган.

ХАЛҚ БАНКИ —
СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ

БИЗНЕС БАНК
ЭНГ ЯХШИ АНЪАНАЛАРДА

(Давоми. Бош 1-бетда.)

**САЪЙ-ХАРАКАТЛАР
МУҚАДДИМАСИ**

Дастлабки икки ярим йил Асакадаги илгари прицеплар ишлаб чиқарадиган заводда қайта монтаж ишлари бошланди. Унинг базасида автозавод ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхона учун янги иншоотлар қурилишига киришилди. Келтирилган замонавий технологик жиҳозларни ўрнатиш ва созлаш ишлари жадаллашди. Қисқа муддат ичида:

- 26,6 минг тонна темир конструкциялар тайёрланди;
- 20,8 минг тонна технологик ускуналар ўрнатилди;
- 18 минг куб метр йиғма темир-бетон жиҳозлар монтаждан чиқди;
- 50,1 минг куб метр яхлит темир-бетон, 143 минг тонна асфальт, 612 километр узунликдаги кабел, 110 километр қувур сингари қурилиш ва коммуникация ашёлари ётқизилди.

...Булар учун 100 миллион АҚШ доллари миқдорда чет эл сармоялари ва 221,5 миллион долларлик хорижий кредитлар жалб қилинди. Мамлакатимиз корхоналарида ностандарт технологик жиҳозлар ва ускуналар тайёрлана бошланди. Айни пайтда бўлажак миллий автомобилсоз кадрларни ишга олиш ва ўқитиш жараёни ҳам баравар олиб борилаверди.

Утиш даври қийинчиликларига қарамай, 1993 йилнинг кузига автомобиль турларини серияли ишлаб чиқаришнинг аниқ муддатлари белгиланди:

— 1996 йилнинг мартада — «Дамас»;

— 25 июлда — «Нексия»;

— 25 ноябрда — «Тико».

ИЗОХ: Бундай тезликка ишонич қийин эди. Лекин шундай бўлди: 25 март куни «Дамас» серияли автомобиль ишлаб чиқаришга қўйилди. «Нексия» ва «Тико» эса ҳатто белгиланган вақтдан анча олдин ҳам бошланди.

ТАРИХИЙ КҮН

1996 йил 19 июль. Асака шаҳри. «ЎзДЭУ авто» қўшма корхонаси ҳовлиси эрталабдан қувурчилар, муҳандислар, мутахассислар ва меҳмонлар билан лиқ тула. Корхона жамоаси қувончининг чеки йўқ. Уларнинг барчаси катта тарихий воқеа — мамлакатимизнинг илк автомобил заводиди очилаётган тантанали халқаро тақдиротнинг иштирокчиси ва гувоҳи. Ушунда бу янгилик кимларгадир ёқмаганди, кимлардир истехзо билан кулганди... Ўзбекистон эса ҳеч кимдан ҳам эмаслигини дунёда намён этди.

Уша ҳаяжонли маросимда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов шундай деган эди:

— ...Асака заводи ишга тушиши, — нафақат Андижон вилоятида, балки Ўзбекистонда ва унга узоқ-яқин қўшни минтақаларда пайдо бўлаётган ишлаб чиқариш ва таъминот инфраструктурасини — корхоналарини яратди. Бош завод, унинг атрофида вужудга келаётган янги корхона ва ташкилотлар Ўзбекистонни жаҳондаги автомобил ишлаб чиқарадиган 28 ривожланган мамлакат қаторига — сафига киритиш билан бирга, бутун иқтисодимизни, унинг савиясини, ишлаб чиқараётган янги ички маҳсулот ҳажмини янги, юксак поғонага кўтарди.

Мана, уша кунга ролпа-роса етти йил бўлди. Бу давр ичида мамлакатимиз энгил автомобиллар ишлаб чиқарадиган жаҳоннинг йирик давлатлари сафига қўшилди. Зеро, бугун корхона конвейерлардан чиққан «Нексия», «Тико», «Дамас», «Матиз» русумли машиналарни нафақат республикамизда, балки дунёнинг қатор мамлакатлари кўчаларида ҳам учратиш мумкин. Утган йил 14 июнь куни Украинада «ЎзДЭУ авто» автомобилсозлари яратган янги маҳсулот — «Матиз» энгил автомашинасининг тақдирот маросими бўлиб ўтгани, бу йил Қозғистон ва Молдовага экспорт қилина бошлагани ҳам фикримизнинг яққол далилидир.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида қўшма корхонаси билан ҳамкорликнинг йўлга қўйилиши, автомобиль ишлаб чиқаришга кириши — мамлакатимиз ҳаётида катта воқеа бўлди. Агар Юртбошимиз айтганидек, «Бундай улкан заводни қуриш учун нафақат иқтисодий ва молиявий имкониятларга, балки катта маънавий қудратга, қолаверса, катта юракка ҳам эга бўлиш керак» эди. Бир сўз билан айтганда, янги заводнинг ишга тушиши эл-юртимизнинг юксак савияси ва катта салоҳиятидан ёрқин далolat бўлди.

Афсуски, ушунда айримлар «Ўзбеклар автомобиль чиқарадиган бўптими?» — дея истехзо билан кулишганди. Улар гуё бундай ишлар бизнинг қўлимиздан келмайдигандек, бунга бизнинг салоҳиятимиз етмайдигандек тушунганларини яққол сезганди. Қолаверса, яшириб нима қиламиз, уша кунлардан беш-уч йил олдин бундай орозу-умид — узгалар у ёқда турсин, ўзимизнинг ичимиздаги айрим кимсаларга ҳам афсонадек туюлганди.

чи қисмлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бунинг эвазига шундай қисмларни четдан олиб келиш сарф-харажати қамалиб, утган йили 17,4 миллион АҚШ долларидан зиёд миқдорда маблаг — чет эл валютаси тежаб қилинди...

(Хисобот учун тайёрланган материаллардан)

Ҳа, ҳозирги кунда компанияда 3,5 минг нафар киши ишлаяпти. 1,8 минг киши эса автомобилчилар учун ҳар хил қисмлар, жиҳозлар, ускуналар ва деталлар ишлаб чиқарувчи турли корхоналарда меҳнат қилишяпти. «Автотеххизмат» корхоналарининг узиди 3,5 минг мутахассис техник созлаш ишлари билан банд, 1,1 минг киши «ЎзДЭУ авто» акциядорлик жамияти автомобилларини сотиш билан шуғулланувчи ташкил этилган «Асакабанк» бўлимларида хизмат қилмоқда. Ички ва ташқи бозорлардаги дилерлик корхоналарида 780 нафар ходим ишлаб турибди.

Битта тахлилчи-қийсий мол: айтайлик, одамлар «Дамас» автомоби-

таблар даражасида бўлди. Шу боисдан ҳам бугунги кунда: «Бизга XXI аср машинаси — «Матиз»дан керак» — деган буюртмалар сони кун сайин ошиб бормоқда.

**ЭКСПОРТ —
НАҚД ВАЛЮТА**

● Асосий экспорт бозори МДҲ мамлакатлари бўлиб, жумладан, «Нексия» Россияда энг харидоригир машина чиқди. Ҳозир россияликлар ҳар йили 10000 дон «Нексия», 2002 йилдан бошлаб эса 3000 дон атрофида «Матиз» сотиб олмақда.

● Хитойга ҳам автомашиналар экспорт жараёни бошланди. Негаки, утган йили у ердан «Нексия» ва «Матиз»га сертификат олинди.

● Компания ўз фаолияти давоми-



ЎЗБЕКИСТОН АВТОМОБИЛЛАРИ



МАМЛАКАТИМИЗ АВТОМОБИЛСОЗЛИГИНИНГ ТҮНҒИЧ ФАРЗАНДИ — АСАКАДАГИ «ЎЗДЭУАВТО» ХХ АСР СЎНГИДА ИСТИҚЛОЛ ШАРОФАТИ БИЛАН ТУҒИЛГАН ЭДИ

Лекин биз ушунда бошқаларга ушаб энгил йул қидирмадик. Нечоғли оғир ва машаққатли бўлмасин, узоқни кузладик. Жаҳоннинг машҳур фирмалари, салоҳиятли компаниялари, сармоядорлари, ишбилармонлари билан мустаҳкам ва манфаатли алоқа боғладик. Узгалар ҳавас қилулик маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналар қуришга киришдик.

**ҚҶҚОН АРАВАДАН —
«НЕКСИЯ»ГАЧА**

Мана бу минглаб дон, миллиардлаб сўм ёки долларлардан шаҳодатли берувчи «кайсар» рақамларни бугун алоҳида фохр ҳамда ҳис-ҳаяжонсиз тилга олмасдан бўлмас:

— Завод фаолияти йўлга қўйилгандан сўнг (2003 йил 1 август ҳолатига кўра) 330 694 дон автомобиль ишлаб чиқарилди;

— буларнинг 160943 таси «Нексия»;

— 85455 таси «Тико»;

— 71874 таси «Дамас»;

— 12422 таси «Матиз».

Ҳозир улар Мустақил Ҳамдустлик давлатларида ҳам, Ўзбекистоннинг ички бозоридида ҳам харидоригр бўлиб турибди. Агар рақамларни пулга қақадиган бўлсангиз, 638 млрд. сўмни ташкил этади. Жорий йилнинг 7 ойида ишлаб чиқарилган маҳсулот корхона ҳисоботида: 20941 дон деб қайд этилди. Бир-биридан гузал, шинам, замонавий автомашиналар!

**ҚАРАНГКИ,
МУАММОЛАР ХАМ
ЕЧИМ ТОПДИ**

«...Корхона фаолиятини янада самарали бўлиши учун ҳозир вилоятдаги «Электроаппарат», «Анзис», «Андижон-маш» ҳиссасдорлик ва «Истиклолнинг етти йиллиги» масъулияти чекланган жамиятларида, «Авиамеханика», «ТО-ПАЗ» заводлари сингари 23 та ва 6 та маҳаллий қўшма корхоналарда бутлов-

лидан асосан тижорат машинаси сифатида фойдаланишди. Бугунгача корхонада ишлаб чиқарилган шундай автомобилларнинг умумий сонидан 70 мингга яқини ички бозорларимизда сотилган. Уларга хизмат курсатувчи таъмирлаш устaxonаларини, мамлакатимиз ҳудудининг ҳар бир шаҳар, туман марказлари ва сераҳоли манзил-гоҳларда учратиш мумкин. Уларда минглаб таъмирчи усталар ишлаб келишяётгани турган гап. Агар бу хисобга гавжум автомобиль трассалари бўйида тобора кўпайиб бораётган бензин қўйиш шохобчалари ва табиий равишда янги яратилаётганига гувоҳ бўлиш мумкин.

Айни пайтда автомобиль моделлари ва модификациясини янгилаш йўналишидаги ишлар ҳам давом этмоқда. Бу борада дунёга машҳур автомобиль материаллари ва қисмлари ишлаб чиқарувчи компаниялар билан ҳамкорлик қилинмоқда. Масалан, Германиянинг «Континентал», Даниянинг «Кас-трал», Швейцариянинг «Гурит Эссекс», Польшанинг «ZEM», Россиянинг «Северсталь» каби корхоналаридан авто-тиривчи герметик молдин, сим-жугут, пўлат ўрамлар сингари қўлдан кўп маҳсулотлар олинаёпти. Вологдадан под-шипниклар, Волжскдан техник резина буюмлари келиб турибди. Шунингдек, турли хил эҳтиёт қисмлар етказиб турувчи бу тизимни янада кенгайтириш йўлида ҳам унинг мўқобил шакллари устиди ишланаёпти.

«Матиз» лойиҳасини молиялаштириш бутунлай «ЎзДЭУавто»нинг хусусий воситалари ҳисобига амалга оширилди. Чунки, бу ерда 16 клапанли ДОНС двигатели ўзлаштирилди. Бундай ўзгаришлар қисман (хусусий за-ҳиралар эвазига) «Нексия», «Тико», «Дамас» автомобилларида ҳам бўлмоқда. 1996 йилдан ишлаб чиқарила бошланган «Нексия» моделига 1998 йили қўшимчалар киритилди: марказий қўлф, туманга қарши ва бошқариладиган чироқлар, рулнинг гидрокучайтиргичи сингари жиҳозлар ўрнатилди. Бугунги кунда эса унинг шиналари кенг, рули ҳам 3 қиррали ҳолда модификация билан чиқарилмоқда.

...Хуллас, ўзгаришлар бисёр, интилишлар қатъий, изланишлар кўп. Энг сўнгги муҳим бир янгилик — шу кунларда бу ерда навбатдаги янги русумли автомобиль — «ЛАСЕТТИ»ни ишлаб чиқаришга тайёргарлик қурилмоқда.

**«МАТИЗ» — XXI АСР
МАШИНАСИ...
НАВАБ —
«ЛАСЕТТИ»ГА!**

«ЎзДЭУ авто» Акциядорлик жамиятининг Бош директори уринбосари Алишер ОЛИМЖОНОВ ҳикоя қилади:

«Матиз»ни серияли ишлаб чиқариш мустақилликнинг 10 йиллиги шарафига (2001 йил августиди) бошланди дедик. У теъда истеъмолчилар дидига ҳам тушди. Кўп ўтмай биринчи туркуми Россияга экспорт қилинди. Улар узининг қўлайлиги, хавфсизлиги ва пухта ишланганлиги билан замонавий

да хорижга қарийб 476 миллион АҚШ доллари миқдорига тенг 77 мингдан зиёд автомобиль (2003 йил 1 август ҳолатига кўра) экспорт қилди.

Айни пайтда автомобиль моделлари ва модификациясини янгилаш йўналишидаги ишлар ҳам давом этмоқда. Бу борада дунёга машҳур автомобиль материаллари ва қисмлари ишлаб чиқарувчи компаниялар билан ҳамкорлик қилинмоқда. Масалан, Германиянинг «Континентал», Даниянинг «Кас-трал», Швейцариянинг «Гурит Эссекс», Польшанинг «ZEM», Россиянинг «Северсталь» каби корхоналаридан авто-тиривчи герметик молдин, сим-жугут, пўлат ўрамлар сингари қўлдан кўп маҳсулотлар олинаёпти. Вологдадан под-шипниклар, Волжскдан техник резина буюмлари келиб турибди. Шунингдек, турли хил эҳтиёт қисмлар етказиб турувчи бу тизимни янада кенгайтириш йўлида ҳам унинг мўқобил шакллари устиди ишланаёпти.

«Матиз» лойиҳасини молиялаштириш бутунлай «ЎзДЭУавто»нинг хусусий воситалари ҳисобига амалга оширилди. Чунки, бу ерда 16 клапанли ДОНС двигатели ўзлаштирилди. Бундай ўзгаришлар қисман (хусусий за-ҳиралар эвазига) «Нексия», «Тико», «Дамас» автомобилларида ҳам бўлмоқда. 1996 йилдан ишлаб чиқарила бошланган «Нексия» моделига 1998 йили қўшимчалар киритилди: марказий қўлф, туманга қарши ва бошқариладиган чироқлар, рулнинг гидрокучайтиргичи сингари жиҳозлар ўрнатилди. Бугунги кунда эса унинг шиналари кенг, рули ҳам 3 қиррали ҳолда модификация билан чиқарилмоқда.

...Хуллас, ўзгаришлар бисёр, интилишлар қатъий, изланишлар кўп. Энг сўнгги муҳим бир янгилик — шу кунларда бу ерда навбатдаги янги русумли автомобиль — «ЛАСЕТТИ»ни ишлаб чиқаришга тайёргарлик қурилмоқда.

**БУ ЕРДА НАФАҚАТ
МАХСУЛОТ,
МУТАХАССИСЛАР ХАМ
РАҚОБАТБАРДОШ**

...Одатда етакчи автосаноатчилар ўз фаолиятларини такомиллаштиришда ихтирочилик ва рационализаторлик жараёнларига алоҳида эътибор беришади. Асакалик автомобилсозлар ҳам утган йилнинг август ойидан бошлаб, ихтирочиликка турдош фаолият — сифат тўғрақлари ишнинг йўлга қўйилди. Бугунгача 43 тага етган бундай тўғрақлар ҳар олти ойда бир марта узига хос «рақобат» — курик ўтказиб, унда учта энг самарали ихтиролар бошланди. Негаки, утган йили у ердан «Нексия» ва «Матиз»га сертификат олинди.

● Компания ўз фаолияти давомида «Чақмоқ-2», «Тараққийёт асри», «XXI аср» сифат тўғрақлари ихтирочилари мутлақ ғолиб чиқдилар. Улар қиритган тақлифлар корхонага 5 миллион 216 минг сўмлик маблагни тежаши имконини берди.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш жоизки, бугун корхона цехларида меҳнат қилаётган автомобилсозлар узимизнинг йигитлар. Уларнинг бир қисми Жанубий Кореяда малака ошириб қайтган, қолганлари корхонанинг узиди касб маҳоратларини оширмоқда.

Президентимиз 2001 йил август ойида «Матиз» илк бор конвейердан чиққан кезларда қилган маърузасида: «Ҳар гал «ЎзДЭУавто»га ташриф буюрганимда чуқур қониқишга эга бўламан, замонавий маҳсулотни ва замонавий технология ва жиҳозларни кўрганим учун эмас, балки ушбу жиҳозларда ишлаш оладиган, ушбу технологияларни юритишга қодир, ушбу маҳсулотни ишлаб чиқаришга қодир, ҳар қандай вазибаларни еча оладиган янги шаклдаги ёш ва гайратли инсонларни кўрганим учун» — дея алоҳида қайд этиб ўтганлигининг боиси ҳам шунда.

Компания ишлаб чиқаришнинг асосий ишчилари ДЭУ корхоналарида малака оширишяпти. Ўнлаб муҳандислар ДЭУ квотаси билан Жанубий Кореянинг Аджио университетида икки йиллик ўқишда бўлди. 4 нафар мутахассис АҚШда таълим олди. Ҳар йили 10 нафардан мутахассис ва ишчи-хизматчилар республика ҳамда чет эллардаги ихтисослашган малака ошириш курсларида бўлиб қайтишяпти.

Корхонада 2000 йилдан буён фаолият кўрсатаётган ихтирочилик ва рационализаторлик бюросига 2,5 мингта яқин тақлифлар тушди. Улардан 32 фоизи амалиётга жорий қилиниб, 350 минг АҚШ долларидан зиёд миқдорда иқтисодий самара берди.

Мамлакатимиз автомобилчилари қалбиди бир хил истак, бир хил интилиш: «Сен — мендан қолма, мен — сендан қолмай!»

Шунда — танарх камаюди, самарадорлик ошадди, сифат кўтарилди. Шунда — ички заҳиралар ишга тушади, ишлаб чиқариш кенгайди ва автомобиль сотувида ҳаммабоб нарх сиёсати амалга ошадди.


Шунда — нафақат маҳсулотларимиз балки кадрларимиз ҳам рақобатбардош мутахассислар бўлиб етишадди.

❖❖❖
Мамлакатимиз автомобилсозлигининг қалдирғоч корхонаси «ЎзДЭУавто» жамоаси қалбиди бу истак ва интилиш мақсад-муддаоси ҳамда мазмун-моҳиятини Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов хали 1996 йил 19 июлда — корхонанинг расмий очилиши маросими (Асака)да сўзлаган нутқиди шундай ифода қилган эди:

«Биз яшаётган ва меҳнат қилаётган жамоа қанчалик аҳил ва тотув бўлса, ҳар қайси хонадонда ва оилада ўзаро келишиб, муросяю мадора қилиб, бир ёқадан бош чиқариб яшайдиган бўлсак, тинч ва осойишта ҳаётнинг қадрига етиб, белимизни маҳкам боғлаб, Ватанимизнинг буюк келажагига бутун вужудимизни, бутун борлигимизни бахш этиб ишласак — ҳар қандай юксак марра ҳам бизники!»

**Нобоз САЪДУЛЛАЕВ,
«Ўзбекистон овози»
маҳсул муҳбири**

ДОВОН ОШГАНЛАР ДОВОНДА УЧРАШДИ



(Давоми. Бош 1-бетда.)

Довон йўли. Бу йўл илгари ҳам одамларга хизмат қилиб келган. Шарқ ва Ғарби боғланган. Аммо унинг ҳақиқий қиёфаси мустақиллик йилларидагина намён бўлди. Фарғона водийсини Тошкент билан боғлайдиган энзис, қиш ойларида хатто ёпилиб қоладиган тоғ йўлларини жаҳон андозалари даражасига етказиш масаласи 1996 йили кун тартибига қўйилган эди. Қисқа муддатда мавжуд йўлни қайта тезмирлаш ва Қамчиқ ҳамда Резак доволари тағидан туннеллар ўтказиш лойиҳаси ишлаб чиқилди. 1997 йилдан эса амалий ишлар бошланди. Вазиға уч йилда удаланди. Транспорт қатнови тўхтатилмасдан йўл кенгайтирилди. Умумий узунлиги 2484 метр бўлган тўрт туннел қазилди.

Мамлакатимиз Президенти Ислам Каримов Тошкент — Ўш автомобиль йўлининг Қамчиқ ва Резак доволаридаги туннеллар қурилиши катнашчиларга йўллаган табригида ушбу йўл Буюк ипак йўлининг муҳим бўғини, қўлпаб халқларни бир-бирига яқинлаштирувчи дўстлик ва биродарлик, тинчлик ва ҳамкорлик йўли бўлиб қолишини алоҳида таъкидлаган эди.

Ижодкорларни ер ости йўли дарвозаси олдида Фарғона водийси ва пойтахт вилояти меҳнаткашларининг вакиллари, йўлсозлар кутиб олди.

Учрашувда сўзга чиққанлар, Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов таъбири билан айтганда, мамлакатимизда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишларининг Бош муҳандиси Ислам Каримов юритаётган оқилона, одилона сиёсат тўғрисида мамлакатимизда буюк ўзгаришлар юз берганини, бу жараёнда йўлсозларнинг ҳам салмоқли хизмати борлигини таъ-

кидлади. Ўзбекистон халқ шоири Тулган Низомнинг «Довон» достонидида замонамиз қаҳрамонлари — йўлсозлар меҳнати тараннум этилган. Аммо бу ҳали етарли эмас, биз йўлсозлардан, бунёдкорлардан қарздоримиз, дейишди ижодкорлар.

— Ўзбек йўлсозлари билан биргаликда шундай улкан қурилишда иштирок этётганимиздан, Тошкент — Ўш йўли қурилишида бизнинг ҳам ҳиссамиз борлигидан жуда мамнунимиз, — дейди германиялик профессор Хост Лиллиенблом. — Биз икки улкан лойиҳа бўйича ҳамкорлик қилдик. Биринчиси — Тошкент — Ўш автомагистралини қайта таъмирлаш эди. Иккинчи лойиҳамиз эса Тошкент — Самарқанд йўлини таъмирлашга қаратилган. Президент Ислам Каримовнинг Буюк ипак йўлини қайта тиклашга бел боғлагани ва бу борада жуда улкан ишларни амалга ошираётганини қувонардик. Чунки бу йўл муҳим стратегик аҳамиятга эга бўлиб, Европа ва Осиёни бир бирига боғлайди.

Жуманиёв Жабборов, Нормурод Нарзуллаев, Ҳабиб Саъдуллаев, Тулган Низом, Сирожиддин Сайид каби таниқли шоирларнинг «Ҷона-Ватан, истиқлол, бунёдкорлик ҳақидаги шерларни, салимий суҳбатлар йиғилганларга манзур бўлди. Йўлсозлар бундай учрашувлар уларни янги-янги меҳнат зафарларига чорлашни таъкидладилар.

Тадбирларда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов, Бош вазир ўринбосари Р.Юнусов иштирок этди.

**Воҳид ЛУҚМОНОВ,
ЎЗА муҳбири**

❖❖❖

Суратларда:

учрашув пайти

Абдувоҳид Тўраев

(ЎЗА) олган сурат



Тошкент вилояти, Юқори-чирчик туманида иш қўзини билган, хусусан, деҳқончилик ҳадисини олган пахтакорлар, фермерлар, пудратчилар кўп. Айнисса «Гулистон» ширкат ҳўжалигида бундай пешқадамлар талайгина.

Ҳўжалик миришкорлари бу йил 1145 гектар ерда пахта етиштиряптилар. Гектар бошига 28 центнердан ҳосил кўтаришга сўз берган деҳқонлар шу кунларда гўза парварши суьратини пайсатирмаган ҳолда йиғим-терим мавсумига ҳам пухта ҳозирлик қуришяпти. Ҳар бир гўза тулида етилган 10-15 донгагача шигил-шигил қўсақлар тез кунлар ичида ёппасига очилди деб турибди.

❖❖❖

Суратда: (чапдан) ҳўжаликнинг бош пудратчиси Шоир Ҳамидов ўз тасарруфидидаги гўза ниҳоллари ривожини ширкат раиси Комилжон Салимов билан кўздан кечиряпти.

Нўмонжон МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат

Байрам тараддуди

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Хақиқатда хуфарликлар ажойиб одамлар экан. Ёшларидан тортиб кексаларигача. Меҳнаткаш, аҳил. Учрашувда улар худди юз йил кўришмаган дўстларини, биродарларини учратганларидек яқин, юракдан суҳбат қурдилар. Бу ерда атиги икки ой ичида қуриб фойдаланишга топширилган 800 ўринли замонавий мактабни, унинг жиҳозланишини кўриб қувонмай илож йўқ эди.

айтишим мумкинки, қишлоғимизда 20 йил аввал на тузукроқ йўл, на мактаб, на табиий газ бор эди. Мустақилликка минг бор шукр! Ислоҳ Каримовдай Президентимизнинг борлигига минг шукр! Ахир, шундай узоқ қишлоққа ким ўйлабди табиий газ келади, деб. 100 йилда ҳам бўлмаган, амалга олмаган ишлар бўлди. Мана бизга мустақиллик нима берди? Шундай экан, биз ҳам жон куйдириб шу Ватанга, энга хизмат қилишимиз керак-да...

Иброҳим ҒАҒУРОВ:

— Бу қишлоқда ҳақиқатдан парилар, ҳур одамлар яшайди деса арзийдиган жой экан. Академик шароитимиз айтганидек, «Оқсакларда қурилган тоғлар» макони,

дан розимиз. Шунга газгага эзинглар. Ҳамма билсин... Фақат бу жойда битта муаммо, хуфарликларнинг илтимоси шу бўлдики, тоғ шароити сабаб — ҳаммаша ҳам ўзТВ кўрсатувларини кўришнинг имкони бўлмаётган экан. Шу масалага эътибор берилсин.

Учрашувлар Саросиёнинг энг машҳур ҳўжаликларида бири, ўзининг шириндан-шакар узумлари, айниқса анорлари билан дунёга машҳур «Дашнаобод» ширкат ҳўжалигидан дам олди. Утган қиш қаттиқ келди. Мингминглаб туп мевали дарахтлар, жумладан анорзорларни совуқ урди. Ҳўжаликнинг юзлаб гектар анорзорлари қуриб-қовжираб ёганини кўриб юрак ачишади. Туман ҳўжманинг айтишича, ана шу ўтган қиш совуғи туфайли бири-

ОЛИС ҚИШЛОҚЛАРДАГИ СУҲБАТЛАР, МУЛОҚОТЛАР

авария ҳолатига келиб қолди. Шундан сўнг жуда кичик фурсат ичида пишқ гўштдан кенг, ёруғ ва кўркам мана бу мактаб қурилди.

бу гўзал экинзорлар, тоғлар — шу ерлик сиз деҳқонлар, боғбонларнинг меҳнатингиз, жасоратингиздан яшаб турибди.

Узбекистонда қандай яхши ўзгаришлар бўлаётганини ана шу қишлоқ тимсолида ҳам кўриш мумкин. Ахир, Тошкентдаги замонавий мактаблардан Хуфарда қурилган мактаб сирра фарқ қилмайди. Қишлоқ врачлик пункти ҳам катта шаҳарлардаги соғломлаштириш жойларидан кам эмас.

Денов — Сурхон юртининг энг қадимий ва машҳур ҳудудларидан бири. Бу ерда машҳур полвонлар, ижодкорлар, пахтакорлару деҳқонлар, энг муҳими, тадбиркор, меҳнаткаш одамлар яшайди. Деновдаги Амир Темур номи, А.Отабоев номи ширкат ҳўжаликларида бўлган учрашувлар жуда кўзгич, кўтаринки кайфиятда келди...

Айниқса, 2-синф ўқувчиси Шаҳринисо Фарҳодова шёрлар ўқиганда беихтиёр юртбошимизнинг «Фарзандларимиз биздан кўра билимли, доно ва албатта, бахтли бўлишлари шарт!» деган сўзлари барчанинг дилидан ўтди. Шўбҳасиз, бу ёшлар эртанги кун умидлари, эртанги кун эгалари.

Денов — Сурхон юртининг энг қадимий ва машҳур ҳудудларидан бири. Бу ерда машҳур полвонлар, ижодкорлар, пахтакорлару деҳқонлар, энг муҳими, тадбиркор, меҳнаткаш одамлар яшайди. Деновдаги Амир Темур номи, А.Отабоев номи ширкат ҳўжаликларида бўлган учрашувлар жуда кўзгич, кўтаринки кайфиятда келди...

Маҳмуд ТОИР бундай фидойи одамлар ҳеч қачон кам бўлмастлиги ҳақида, инсоф, дийнат ҳақида воқеалар гапирди. Унинг ушбу мавзуга оид шёрларини гулдўрос қарсақлар билан олқишлашди.

Ҳикматли сўзлар маъноси

Зўрдан зўр чиқса, зўр думини қисар

Бу ҳол итнинг феълидан олинган. Ёмон, урушқоқ ит ўзидан кунсизроқ итлар билан олишиб, уларни осонгина қочириб юбориб, керилиб, думини гажак қилиб юради. Босон-ю ўзидан зўрроқ итни кўриб қолса, думини қисиб, секин қочиб қолади. Бундай ит зўравон, муштумзўр, шум, хираҳандон, доимо «қўли кичиб» турадиган ва кучини ўзидан кичикларга, ожизларга кўрсатадиган, ўзидан кучлилардан кўриб қочадиган ё лаганбардорлик қиладиган одамларга ташбиҳ этилган. Шундай одамларни мазах-масхара қилганларида юқоридаги мақолни куйидаги вариантларини айтадилар: «Зўр зўрни кўрганда — бўйин қисади»; «Юғурдан юғурку чикса, оёғи типир-типир»; «Уста устани кўрса, оёғи типирлар»; «Дуторчи дуторчини кўрса, қўли қалтирар»; «Дуторчи ўзидан устароқ дуторчи келиб қолса, қўли қалтирар, ўзини йўқотиб, билган нарсасини ҳам чалолмай қолади», дейилмоқчи); «Кемали келса, кучли тўлқин қайқини қирғоққа чиқазиб юборади»; «Ўзингдан зўрлар чикса, кўзингдан шўрлар чикар» (шўр — кўз ёши).

Игна қаёққа юрса, ип шу ёққа юради

Мазмуни: «Йўлбошчи қайси йўлга бошласа (хоҳ у тўғри йўл бўлсин, хоҳ у эгри йўл бўлсин), омма ўша ёққа қараб кетаверади. Оилавий ҳаётда ҳам болаларнинг яхши ё ёмон йўлга кириб кетиши ота-она кўрсатадиган йўл-йўриққа боғлиқ», дейилмоқчи.

Игнадек тешиқдан туядек совуқ қиради


Бу мақолни тўғридан-тўғри шу маънода ҳам, «қиш-қировли кунларда олинган пухта ҳозирлик кўриб қуй, унингнинг телва-тешиқларини бекитиб, совуқ қирмайди қилиб ол», деган маънода ҳам, мажозан: «Ўзгина, кичкина камчилигини, хавф-хатарини назар-писанд қилмай юрма, шундан сенга катта зиён-заҳмат етиши мумкин, эҳтиёт бўл, олдинки ол, даф қил», деган маънода ҳам қўллайдилар. «Елғиз балога индамасанг — кўпаяди», деган мақол ҳам борки, уни кейинги айтилган маънода қўллайдилар.

Божхона бекаму

МАҚСАДИ БОЙЛИК ОРТТИРИШ ЭДИ

Қанча гапирилмасин, оғохлантирилмасин нафси бузуқ одам боши деворга тегмагунча ҳулоса чиқармас экан. Мамлакатимиз товар моддий бойликларини ноқонуний йўллар билан қўшни давлатга олиб ўтиш ёки бошқа мамлакатларнинг сифатсиз товарларини яширинча олиб кириш ҳаракатлари оз бўлса-да учраб турибди.

«Ўзнефтахсулот» акциядорлик компанияси раҳбарияти ва жамоаси компания ходими Шерзод Абдуллаевга надири бузурқувори



Болалар спорти

Болаликнинг орзулари бўлачқа бўлади. Фарғоналик Дилшод ва Мухаммаднинг ҳам орзулари бир олам. Уларнинг нияти — дунёнинг энг катта спорт саройларида мана-ман деган рақибларини энгиб чемпион бўлиш.

Футбол

«НЕФТЧИ» ЯНА ПЕШҚАДАМ

Ўтган яқшанба кўни мамлакат олий лига футбол жамоалари ўн саккизинчи тур учрашувларини ўтказишди. Икки кун илгари эса Ўзбекистон кубогининг финал учрашуви бўлиб ўтганди. «Пахтакор» — «Насаф» ўйини қўллангандек қизикarli бўлди. Биллур совринни қўлга киритиш учун ҳар икки жамоа майдонда астойдил ҳаракат қилди. Тошкентликлар тажриба ва маҳорат бобида рақибларидан устун эканликларини исботлашди. С.Жепаев, Л.Кошелев

ди. Айтиш керакки, бундан «Нефтичи» унумли фойдаланди. Самарқандда меҳмонда ўйнаган фарғоналиклар 2:3 ҳисобида галабага эришди ҳамда яна биринчи ўринга кўтарилди. «Навбахор» футболчилари ҳам имкониятдан тўлиқ фойдаланиб уч очколи бўлдилар. Шу кўни улар сафарда Тошкентнинг «Трактор» жамоасини 2:1 ҳисобида энгиб, мавқеаларини анча мустаҳкамлаб олишди. Қолган ўйинлар натижалари қуйидагича: «Андижон» — «Бухоро» 3:1, «Гулистон» — «Қизилқум» 0:7, «Машъал» — «Металлург» 4:1, «Цементчи» — «Дўстлик» 4:1.

Раъшон ШОДИЕВ

Интер-спорт

САРДОРНИНГ ҚАЙТИШИ

Франциянинг «Bordeaux» клубида тўп сураётган россиялик Алексей Смертин ўз ватанига қайтадиган бўлиб турибди. Гап шундаки, Россия терма жамоасининг сардори ҳисобланган бу футболчи ҳам Лондоннинг «Челси» клубини сотиб олган Роман Абрамович таклифини рад этолмади. Агар Алексей «Челси»га ўтадиган бўлса, француз клубига оз эмас, кўп эмас 8,5 миллион евро ўтказишга тўғри келар экан. Алексейнинг нияти эса «Челси»да бразилиялик Хуан-Себастьян Веронга ёрдамлашишдан иборат.

ПЕЛЕ: БЕКХЭМ КЎПРОК АРТИСТГА ЎХШАЙДИ

Футбол қироли Пеле Мексика сафарига мухбирларга қизик мулоҳазани билдирди. Унинг айтишича, тобора оммавийлашиб, мухлислари давраси кенгайиб бораётган Англия терма жамоасининг сардори Дэвид Бекхэм моҳир футболчида кўра, кўпроқ кино юлдузига ўхшар экан. «Дэвиднинг муаммоси шундаки, — дейди Пеле, — унинг рафикаси «Spice Girls»да қатнашиб Бекхэмнинг обрўсини ошириб юборди. Албатта, футбол кўнгилочар ўйинлардан саналади. Одамларга кўпроқ ёқини ҳам шундан. Энди футболчининг кино юлдузини эслатиб туриши унга эътиборни янада ошириши табиий».



«Хақиқатдан ҳам Мадриднинг «Реал» клубида тўп сураётган Бекхэм Осиб бўйлаб ўтказилган Қирол клублари турнирида қатнашди. Юз минглаб мухлислар эса ҳатто Бекхэм иштирокидаги ўйини доди машқларини кўриш учун келишди. Дарвоқе, Пеле айтмоқчи, Бекхэм спортдаги ютуқлари билан эмас, балки ўзига хослиги билан эътироф этилмоқда. Футбол қироли эса Бразилия жамоасини 3 маротаба Жаҳон чемпиони бўлишида қатнашган. Зеро, Бекхэмнинг сармоясини ҳозирча ҳамманкидан кўпроқ,

BOSH MUHARRIR Safar OSTONOV Tahrir hay'ati Abdulla Oripov Abdulhafiz Jalilov Azimjon Ayupov Aziz Nosirov Ashur Qodirov Bobir Alimov Habib Sa'dulla Norbobo Shakkarov (Bosh muharrir birlinchi o'rinbosari) Almiqui Sulonov (Bosh muharrir o'rinbosari) Andrey Orlov (Bosh muharrir o'rinbosari «Golos Uzbekistan») Nomoz Sa'dullayev Rahima Hakimova To'lepbergen Qaipbergenov Abdug'ani Mamasodiqov (Mas'ul kotib)

MUASSIS: O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO' LIMLAR:

Siyosat, partiya va xalqaro hayot 133-44-55 Ma'naviyat va ma'rifat 133-69-45 Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36 Parlament va huquq 136-57-20 Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43 Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks) Kotibiyat 133-72-83 Reklama va e'lonlar 133-38-55, 133-47-80, 133-06-83 (Tel. Faks)

VILOYAT MUXBIRLARI:

Andijonda — 25-16-16 Buxoroda — 222-10-92 Gulistonda — 25-03-80 Jizzaxda — 5-49-85 Navoiyda — 3-39-20 Namanganda — 6-43-43 Nukusda — 222-70-12 Samarqandda — 35-20-54 Urganchda — 226-51-35 Farg'onada — 26-43-62 Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:

700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.

Navbachi Alisher RO'ZIYEV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi. Sahifalovchi-dasturchilar Ikromjon ISMUTOV Elyor UBAYDULLAYEV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshqaruvida chop etildi. Korxonaning manzili: Buyuk Taron ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qo'mitasida 00004-raqam bilan ro'yxatga olingan. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib boshish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi. G — 762

7731 nusxada bosildi. Topshirish vaqti — 21.00. Topshirildi — 21.00. 1 2 3 4 5 6 SOTUVDA ERKIN NARXDA